

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.

Хошимов Ўткиржон Қўшмирзаевич

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

“Ўзбекистон тарихи” кафедраси мудири.

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10819226>

Аннотация. Мақолада мустақилликнинг дастлабки 25 йиллигида олий таълимдан кейинги таълим соҳасида содир бўлган ўзгаришлар, илмий салоҳиятли кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари ўрганилган.

Калим сўзлар: олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, аспирантура, докторантура, таянч докторантура, фан номзоди, фалсафа доктори.

ИЗМЕНЕНИЯ В ПОДГОТОВКЕ НАУЧНЫХ И НАУЧНО- ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ.

Аннотация. В данной статье изучены проведенные реформы в первые 25 лет независимости в сфере повышения научного потенциала кадров в области обучения после высшего образования и их результаты.

Ключевые слова: высшее образование, обучение после высшего образования, аспирантура, докторантура, базовая докторантура, кандидат наук, доктор философии.

CHANGES IN THE TRAINING OF SCIENTIFIC AND SCIENTIFIC AND PEDAGOGICAL PERSONNEL IN THE NEW UZBEKISTAN

Abstract. This article examines the reforms carried out in the first 25 years of independence in the field of increasing the scientific potential of personnel in the field of training after higher education and their results.

Key words: higher education, post-secondary education, postgraduate studies, doctoral studies, basic doctoral studies, candidate of sciences, doctor of philosophy.

Учинчи ренессан пойдеворини куриш борасида Янги Ўзбекистонда бир қатор ислохотлар амалга оширилиши натижасида давлат ва жамият ҳаётида туб ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Умуман олганда тарихимизда юз берган биринчи ва иккинчи Ренессанс, яъни Уйғониш даврини юзага келиш сабабларига эътибор қаратилса, бир қатор ислохотлар устувор аҳамият касб этганлигини гувоҳи бўламиз. Биринчидан, ўша даврда мамлакат тинчлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлашга эришилган бўлса, иккинчида, таълим-тарбия ва илф-фан соҳаларини ривожлантиришга бирламчи вазифа сифатида катта эътибор қаратилиши бўлди[1].

XX асрнинг бошларига келиб жадид боболаримиз томонидан илгари сурилган бир қатор ғоялар ҳам муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, таълим-тарбия ва илм-фанни ислох қилиш орқали жамият тараққиётига эришиш мумкинлиги борасида фикрларни ҳаётга тадбиқ этиш борасида бир қатор сайи ҳаракатлар амалга оширилди. Бироқ ўша давр ҳуқум сурган сиёсий тузум бундай эзгу ишларни тўлиқ амалга ошишига тўсқинлик қилди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларининг барча босқич ва соҳаларида ўзгаришлар амалга оширишга алоҳида эътибор

қаратилди. Бу соҳадаги муҳим бўғин ҳисобланган илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш алоҳида аҳамият касб этди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида республика ОТМларида илмий салоҳиятли кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш ва фаннинг янги соҳалари бўйича олий таълимдан кейинги таълимни ривожлантириш мақсадида янги йўналишлар очилди. Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида олий таълимдан кейинги таълим соҳасида қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда, бу соҳада баъзи муаммоларга ҳам дуч келинди. Булардан энг асосийси аспирант ва докторантларни тайёрлаш, иқтидорли ёшларни аспирантурага йўналтириш, аспирант ва докторантларнинг илмий ишларини ўз вақтида ҳимоя қилишларини таъминлаш масалалари эди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш ва илмий-тадқиқот ишларининг сифат кўрсаткичи ОТМлари илмий салоҳияти даражасини белгилайди. Шу билан бирга ОТМларидаги илмий салоҳиятга қараб олий таълимдан кейинги таълимга эътибор яхши ёки қониқарсиз эканлигини билиш мумкин.

Маълумки, юкори малакали кадрларни тайёрлашда илмий салоҳияти юксак ва замонавий педагогик технологияларни эгаллаган профессор-ўқитувчилар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунини таъкидлаш керакки, мустақилликнинг дастлабки йилларида бу соҳада қўлга киритилган ижобий натижалар сақлаб қолинмади. Оқибатда 2000 йилдан то 2017 йилгача олий ўқув юрларининг илмий салоҳияти пасайиб борди [2, 318-б.].

Буни республика ва водий вилоятларида жойлашган ОТМда фаолият олиб бораётган илмий унвонли профессор-ўқитувчилар сонининг ортиш ўрнига камайганлигида кўриш мумкин. Қуйидаги жадвалда бу ҳақда тўлиқ маълумот келтирилган.

Республикадаги ОТМларида фаолият олиб бораётган фан докторлари ва фан номзодларининг сони (бирлик) ва уларнинг профессор-ўқитувчиларнинг умумий сонидagi улуши.

	2000/2001		2005/2006		2010/2011		2014/2015		2016/2017	
	сони	фоиз	сони	фоиз	сони	фоиз	сони	фоиз	сони	фоиз
Ўзбекистон	8038	43,6	8598	37,3	9059	39,4	8143	33,2	7481	31,2

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитасининг 30.08. 2018 йилдаги №01/4-01-19-991-сонли маълумотномаси асосида тайёрланди.

Жадвалдан шунини кўришимиз мумкинки, республика бўйича 2000/2001 ўқув йилида жами ОТМларида 8038 та фан докторлари ва фан номзодлари фаолият олиб борган ва республика бўйича илмий салоҳият 43,6 фоизни ташкил қилган. Орадан 10 йил ўтиб, 2010/2011 ўқув йилида фан докторлари ва фан номзодлари сони 9059 тага етди, яъни 2000 йилга нисбатан 1021 тага ортди. Буни бир қатор сабаблар билан ҳамда докторантурага ўқишга қабул қилиш квоталари баъзи йилларда оширилганлиги билан изоҳлаш мумкин [3, 130-б.]. Лекин шунга қарамасдан, илмий салоҳият 39,4 фоизни ташкил этган, яъни 2000 йилга нисбатан 4,2 фоизга пасайган. Бу ҳол республикада янги ОТМлари очилиши ва уларга ёш мутахассисларнинг кўплаб жалб қилиниши оқибатида юзага келган. Лекин 2016/2017 ўқув йилига келиб республикада илмий салоҳиятли олимлар сони 2000 йилдан нисбатан 557 тага камайди ва илмий салоҳият ҳам шунга мос равишда 43,6 фоиздан 31,2 фоизга тушиб қолди. Бунга, бир томондан, олимларнинг ёш кўрсаткичининг улғайиши билан боғлиқ

омиллар, масалан, ўлим, нафақага чиқиш ва бошқалар, иккинчи томондан, фанга бўлган эътиборнинг сусайганлиги сабаб бўлди. Бу соҳада қилинган ислоҳотлар натижасида 2017 йилнинг иккинчи яримига келиб республикада олимлар сони яна орта бошлади.

Республика олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятнинг мустақилликнинг дастлабки йилларига нисбатан тушиб кетишига бир қатор омилар сабаб бўлди. Шулардан бири олий таълимдан кейинги таълим, хусусан, аспирантура ва докторантурада илмий тадқиқот олиб бораётган талабгорларнинг илмий ишларини ўз вақтида ҳимоя қила олмаслиги бўлса, иккинчиси, аспирантура ва докторантурага қираётганларнинг малака даражасининг пастлиги эди [4, 131-б.]. Шунингдек, илм-фан билан шуғулланаётган олимларни моддий қўллаб-қувватлашга ҳам етарлича эътибор қаратилмади. Масалан, 2005 йилни олиб қарайдиган бўлсак, педагог ходимларнинг моддий аҳволини яхшилаш ва ижтимоий мақомини кўтаришга етарли даражада аҳамият берилмаганини кўрамиз.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, таълим соҳасидаги ўқитувчиларнинг номинал иш ҳақи иктисодиёт бўйича ўртача иш ҳақи даражасидан орқада қолган. Хусусан, олий таълимдаги ўқитувчиларнинг иш ҳақи иктисодиёт бўйича ўртача иш ҳақининг 83,7 фоизини, коллежларда 71,2 фоизини, умумий ўрта таълим мактабларида 57 фоизини ташкил этган.

Ўзбекистонда олий таълим тизимида профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақи миқдори иктисодиётдаги ўртача иш ҳақидан паст даражада, Қозоғистон Республикасида эса 250-1000 АҚШ долларини ташкил этган[5, 61-62-б.].

Республикада олий таълим соҳасида илмий салоҳиятнинг пасайишига яна бир сабаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сонли Фармонининг қабул қилиниши бўлди [6].

Бу Фармонга биноан диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий қилинди. Яъни, олдин мавжуд бўлган стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчилар институтлари (фан номзоди ва фан доктори) ўрнига магистрлик даражасидан сўнг фан докторлари тайёрлашни кўзда тутувчи тизим жорий этилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бир босқичли тизимга ўтилгандан сўнг республикада диссертацияларни ҳимоя қилиш кескин камайди. Масалан, 2014-2015 йилларда катта илмий ходим-изланувчилик институтларини 600 нафардан ортиқ ходим тугатган бўлса-да, мамлакат бўйича 2016 йилгача 103 нафар (17,1%) талабгор докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Уларнинг ҳам асосий қисми (80% дан ортиғи) мустақил изланувчилик асосида диссертация ёқлаган. Жами 103 нафар ҳимоя қилганларнинг 62 нафари олий таълим муассасаларига тўғри келган [7, 2-б.].

Шундай бир вазиятда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сонли Фармонининг қабул қилиниши олий таълимдан кейинги таълим соҳасида янги ислоҳотларни бошлаб берди. Фармонга биноан олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимининг сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш, олий ўқув юртидан кейинги таълим соҳасини янада такомиллаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳар

томонлама намоён этиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали, диссертация ҳимоя қилиш ва тегишли фан тармоғи бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини беришни назарда тутувчи таянч докторантура ҳамда диссертация ҳимоя қилиш ва тегишли фан тармоғи бўйича фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасини беришни назарда тутувчи докторантура тизими жорий қилинди[8].

Сўнгги йилларда олий таълимдан кейинги таълимга қаратилаётган эътибор ва бу соҳада амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш кўрсаткичи ошди. Масалан, 2016 йилда республика ОТМларида 151 та докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган бўлса, 2017 йилга келиб, 122 та DSc ва 221 та PhD диссертациялари ҳимоя қилинди. Хусусан, 2018 йилда диссертациялар ҳимоя қилиш кескин ошганини, 169 та DSc ва 630 та PhD диссертациялари ҳимоя қилинганини алоҳида қайд этиш лозим. Шунга мос ҳолда, республикада илмий салоҳият ҳам ошмоқда. Хусусан, 2016 йилда илмий салоҳият кўрсаткичи 31,6 фоиз бўлган бўлса, 2017 йилда 32,7 фоизни, 2018 йилда эса 34,2 фоизни ташкил қилди[9, 2-б.].

Республика олий таълим муассасаларида 2022 йилга келиб илмий салоҳият 39,3 %га етказилди. 2022-йилда диссертация ҳимоялари кўрсаткичи 2017-йилга нисбатан 5 баробарга, яъни 343 тадан 1765 тага оширилди. Илмий кенгашлар сони 32 тадан 177 тага етказилди ва докторантура мавжуд ОТМлар сони 72 тага етди[10].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида республика олий таълимдан кейинги таълим тизимида амалга оширилган ислохотларга қарамасдан, мазкур соҳада йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар, тадқиқотчиларда моддий манфаатдорликнинг пастлиги соҳа ривожига сезиларли равишда тўсиқ бўлди. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 2017 йилдан олий таълимдан кейинги таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган бир қатор ҳукумат фармон ва қарорлари қабул қилинди. Бундай эътибор натижасида ёшлар ўртасида илм-фанга бўлган қизиқиш ортди ва илм-фан билан шуғулланувчиларнинг сони ўсмоқда.

REFERENCES

1. ЎЗА расмий сайти. https://uza.uz/uz/posts/pedagogning-maqomi-togrisidagi-qonun-ulkan-iftixor-va-katta-masuliyatdir_572640
2. Ўзбекистонда таълимнинг ривожланиши ва тарихшунослиги. Очерклар II. Масъул муҳаррир: т.ф.д., проф. Д.А.Алимова, – Тошкент: Адабиёт учкунлари. 2017. – Б. 318.
3. Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги. UNDP – Тошкент-2007/2008. – Б. 130.
4. Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги. UNDP – Тошкент-2007/2008. – Б. 131.
5. Эшбаев А. Х. Бозор муносабатларига ўтиш даврида таълим тизимининг миллий иқтисодий ривожлантиришга таъсири. Иқтисод фан. ном.... дис. – Тошкент. 2008. – Б. 61-62.
6. <http://www.lex.uz/docs/2035850> (хужжат кучини йўқотган 27.02.2017)
7. ЎЗР ОЎМТВ ЖА. ЎЗР ОЎМТВ Ҳайъат қарори, 1/4-сон. 30.01.2016. 2-варақ

8. <http://www.lex.uz/docs/3119699> (10.03.2017)
9. ЎзР ОЎМТВ ЖА. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси бўйича маълумот. 2-варақ.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2022 йил ҳисоботи. <https://edu.uz/media/dd9158e0-7910-8720-2f13-a4892de5f222.pdf>